## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 949,6 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 6852 кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

| | Киши | | | Ҳар 1000 кишига | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2016 й. | 2017 й.[1)] | ўсиш, камайиш (-) | 2016 й. | 2017 й.[1)] |
| Туғилганлар | 9569 | 9269 | -300 | 20,7 | 19,8 |
| Ўлганлар | 2223 | 2194 | -29 | 4,8 | 4,7 |
| шу жумладан бир ёшгача болалар | 101 | 105 | -4 | 8,5 | 10,3 |
| 1000 туғилган болаларга нисбатан | | | | | |
| Табиий ўсиш | 7346 | 7075 | -271 | 15,9 | 15,1 |
| Никоҳлар | 2827 | 2762 | -65 | 6,1 | 5,9 |
| Ажралишлар | 503 | 582 | 79 | 1,1 | 1,2 |

**Туғилиш даражаси.** 2017 йилнинг январь-июнида туғилганлар сони 9269 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (9569 киши) нисбатан 300 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 19,8 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (20,7 промилле) нисбатан 0,9 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Қизилтепа (19,5 дан 17,2 промиллега), Конимех (23,2 дан 21,3 промиллега), Навбахор (22,0 дан 19,6 промиллега) туманларида камайгани кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2017 йилнинг январь-июнида ўлганлар сони 2194 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (2223 киши) нисбатан 29 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,7 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-июнида – 4,8 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Конимех (5,7 дан 7,2 промиллега), Нурота (4,5 дан 5,3 промиллега), Томди (2,9 дан 4,5 промиллега) кўпайгани кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 25,9 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 4,6 фоизи - ўсма касалликларидан, 2,8 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 1,4фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 3,6фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнида бир ёшга тўлмаган 105 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 10,3 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-июнида 8,9 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 45,7 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 1,9 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 2,9 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-июнида ФҲДЁ органларида 2762 та никоҳлар ва 582 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,9 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 6,1 та) ва 1,2 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 1,1 та) тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 6917 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 7140 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 223 кишига (2016 йилнинг шу даврида манфий 674 киши) тенг бўлди.

Энг катта манфий қолдиқлар Навоий шаҳрида (манфий 539), Хатирчи ( манфий 304), Қизилтепа (манфий 207) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-июнда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига




**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-июнга нисбатан 100,6 фоизга кўпайиб, 546,1 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,5 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-июнда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 4219 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш

---

[1)] дастлабки маълумот

қидириб мурожаат этганлар Навоий шаҳрида (1325 кишига), Хатирчи (464 кишига), Зарафшон шаҳрида (440 кишига), Кармана (358 кишига), Нурота (292 кишига), Учқудуқ (244 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 2797 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Навоий шаҳрида (595 киши), Зарафшон шаҳрида (386 киши), Нурота (251 киши), Хатирчи (387 киши), Учқудуқ (158 киши), Конимех (141 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 535 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)